

ЛЕКСИКОГРАФИЯ ТУЗИШДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР

Худайбергана Назокат Рахимовна¹

Худойбергана Гуласал Фахриддин қизи²

Матякубов Ойбек Қуралбоевич³

**¹Урганч Давлат Университети Роман-герман
кафедраси ўқитувчиси**

**²УрДУ Хорижий филология факультети француз тили таълим
йўналиши 3-босқич талабаси**

**³Урганч Давлат Университети академик лицейи ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6628862>**

Аннотация. Ушбу мақолада ўқув луғатларининг турлари, луғатлар тузиш муаммолари, дунё олимларининг олиб борган таҳлиллари тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар. Универсал луғат, ихтисослаштирилган, синонимик, антонимик алоқалар, фразеологик, изоҳли луғат.

Ҳар қандай луғатнинг сўзлигини шакллантириш – муҳим ва қийин вазифадир, ўқув - ихтисослаштирилган ёки “универсал” луғат учун – бу қийинчиликлар сўзсиз ортадилар. Ўйлашимизча, рус тилининг изоҳли луғатлари манбалар орасида биринчи ўринга қўйилиши керак, чунки уларда энг аввало ҳозирги рус адабий тилининг лексик-семантик тизими унинг мураккаб стилистик ва функционал табақаланашуви билан ўз аксини топди.

Баъзан алоҳида сўзни тасвирлашга интилиш ва уни лексик тизимнинг элементи сифатида тақдим қилиш ўртасидаги зиддиятлар ҳақида гапиришади. “... Лексикограф ҳар доим альтернатива олдида туради: ёки алоҳида сўзга нисбатан лексик тизимни шарҳлашда кўриниб турган бузилишлардаги “аниқлик”, ёки тизимни тақдим қилишдаги мантиқий қатъийлик ва айрим сўзларнинг характеристикасидаги дағаллик” [8, 24-бет]. Бу ўткинчи зиддиятдир. Мустақил сўз характеристикасининг аниқлиги унинг лексик тизимдаги бошқа элементлар билан алоқаларини ва муносабатларини ҳисобга олмасдан мумкин эмас (бу муносабатларнинг қамрови қанчалик тўлиқ бўлса, сўзнинг характеристикаси шунчалик теран ва аниқдир), тизимни намоён қилишнинг қатъийлиги эса мустақил сўз характеристикасининг аниқлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу икки вазифа тескари боғлиқликда эмас, тўғри муносабатдадир.

“Ўртачалаш принципага” келадиган бўлсак, уни лексикографияда қўлланилиши методик, техник (жойни, вақтни тежаш) ва ҳ.к. характердаги сабаблар билан тушунтирилади. Ўртачалаш принципи

(баъзибир дағаллаштириш, тахминийлик) чет элликлар учун ўқув лексикографиясида ҳам қўлланилади.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, умумий типдаги ўқув луғатининг луғат мақоласи сўз ҳақида, унинг шакллари ва нутқда ишлаш хусусиятлари ҳақида максимум маълумотни, яъни чет эллик ўқувчи учун рус тилидан фаол фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишга кўмаклашадиган ҳамма нарсани ўз ичига олиши зарур.

Миллий мактабларда рус тилини ўқитиш Илмий текшириш институтида тайёрланаётган, миллий ўрта ва олий мактабларнинг рус тили ўқитувчилари учун мўлжалланган ўқув изоҳли луғатида сўз ҳақидаги маълумотни кенгайтиришга уриниш эътиборга лойиқ [7, 25-бет]. Луғат сўзга кўп томонлама таъриф бериш, унинг предметли-тушунчавий алоқадорлигини, стилистик ва эмоционал-экспрессив аҳамиятини очиб бериш, категориал тегишлилигини ва грамматик шаклланганлигини кўрсатиш, лексик маъноларининг типларини, синтагматик, парадигмак муносабатларини, сўз ҳосил қилиш алоқаларини акс эттиришдир. Бу вазифаларга мос равишда луғат мақоласида қуйидаги жиҳатлар ажратиб кўрсатилади: а) грамматик характеристика, сўзларнинг ўзгариш шакллари; б) изоҳлаш (маънони таърифлаш; в) энг кўп қўлланиладиган бирикмалар; г) изоҳланаётган сўз кирадиган лексик-семантик гуруҳни ташкил қилувчи сўзларнинг рўйхати; д) синонимик параллеллар; е) антонимлар; ё) сўз ҳосил қилиш муносабатлари; ж) фразеология.

Шу пайтгача ўқув луғатининг битта тури – чет элликлар учун рус тилининг умумий (ёки универсал) изоҳли луғати ҳақида сўз борди. Бироқ бу луғат оригинал бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техник ва б. махсус адабиётни ўқишда самарали фойдаланилиши мумкин эмас. Шунинг учун, биринчидан, чет элликлар учун умумий ўқув луғатини адресатга, проблематикага ва бошқа омилларга қараб ўзгартириш ҳақида масала қўйилмоқда. Иккинчидан, хилма-хил турдаги ихтисослаштирилган луғатларни, шу жумладан, терминологик луғатларни яратиш муаммоси ишлаб чиқилмоқда.

Агар универсал лексик минимум рус тилини чет тили сифатида ўқитиш тажрибаси учун зарур бўлса, у ҳолда у тор маънода ҳозирги ру адабий тили луғат таркибининг редукцияси бўлиши керак (яъни илмий-техник терминологиялардан ташқари). Илмий-техник минимумларни тузиш – алоҳида лингводидактик муаммо. Чет элликлар учун рус тилининг терминологик луғатларини тузишни ўқув лексикографиясининг алоҳида бўлимига ажратиш ҳақидаги масала шунга ўхшаб ҳал қилинмоқда.

1973 йилда рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг II Халқаро конгрессида (Варна, 1973) рус тилининг катта (“универсал”) изоҳли ва идеографик луғатларини тайёрлаш ва асосий техник, табиий ва гуманитар мутахассисликлар бўйича ўқув терминологик луғат-минимумларни тайёрлашни бошлаш ҳақида тавсия қабул қилингани тасодифий эмас. Бироқ бу масала алоҳида муҳокамага лойиқ.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Касарес Х. Введение в современную лексикографию. М., 1958.
2. Морковкин В. В. Об универсальном учебном словаре русского языка. - В кн.: Международная ассоциация русского языка и литературы. Конгресс 2-й. Варшава, 1973, М., 1975, с.365-373.
3. Срезневский И.И. Обзор замечательнейших из современных словарей. - Известия отд. русск. языка и словесности ИАН, 1954, т. III, с.150-160.
4. Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1974.